

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Үн.23.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ПРИМОВ ФАРХОД АБДИЖАББОРОВИЧ**

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ  
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Примов Фарход Абдижабборович**

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-  
ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш ..... 3

**Примов Фарход Абдижабборович**

Совершенствование механизма административно-правовой  
защиты прав и интересов субъектов предпринимательства ..... 27

**Primov Farkhod Abdijabborovich**

Improvement of mechanism of administrative and legal protection  
of rights and interests of subjects of entrepreneurship..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ПРИМОВ ФАРХОД АБДИЖАББОРОВИЧ**

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ  
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2PhD/Үи62 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash>) ва «ZIYONET» таълим ахборот тармоғида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Мухамедов Ўткирбек Хазраткулович</b> юридик фанлар доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Рузметов Хайрулло Ибодуллаевич</b> юридик фанлар доктори <b>Тулътеев Ильяс Тавасович</b> юридик фанлар доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Үи.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45 уй. Тел.: (99871) 232-60-80, (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати \_\_\_\_\_ «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(20\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г. Р. Маликова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ю. ф. д., доцент

**Г. С. Исмаилова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, ю. ф. д., доцент

**И. А. Хамедов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ю. ф. д., профессор

## КИРИШ (Диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, жамият, давлат ва шахснинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш ва мувозанатга келтириш, қашшоқликка қарши курашиш, иқтисодий хавфсизликни, шу жумладан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда тадбиркорлик фаолияти муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатларига қарши курашнинг самарали йўли сифатида ҳам тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш мумкинлиги аён бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектларини текширишларни тубдан қисқартириш, тадбиркорлик фаолиятига бутунлай янги ва самарали маъмурий-ҳуқуқий бошқарувни жорий этиш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш, ҳудудларда инфратузилманинг барқарор ривожланиши ҳамда мамлакат иқтисодиётининг мустаҳкамланишида тадбиркорликнинг роли ва ўрни ортиб бормоқда.

Фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш, хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги (1990), «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги (1998), «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги (2000), «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги (2012), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (2012), «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар

ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (2012), «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги (2012), «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги (2017), «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги (2018) қонунларининг ижросини таъминлаш ҳамда 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш асосларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасида 2017–2020 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотлар давлат илмий-техника дастурининг «Ф1. Жамиятни ривожланиши, давлат ва ҳуқуқ назарияси, иқтисодиёт рақобатбардошлиги» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларининг мақоми ҳамда тадбиркорлик фаолиятига оид муносабатларни либераллаштиришнинг иқтисодий жиҳатлари мамлакатимизда Ҳ.П. Абдулқосимов, М.М. Абдурахмонова, О.А. Арипов, Б.Ж. Бабаев, Р.М. Гайбуллаев, С.Е. Ерназаров, Н.С. Касимова, Қ. Муфтайдинов ва Б.С. Улашовлар томонидан, хорижда С.А. Брызгалова, Ж. Джандосова, В.К. Полина, С.В. Сосунов, А. Тагатова, З. Турисбеков ва Н. Шиликбаева каби муаллифлар томонидан ўрганилган.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусий-ҳуқуқий жиҳатлари мамлакатимизда асосан М.С. Абдусаломов, Х. Азизов, Ғ.Н. Алиев, Ш. Бакаев, Б. Ибратов, З.О. Қувандиқов, Н.С. Нарматов, О. Оқюлов, Ф. Отахонов, Ҳ.Р. Раҳмонқулов ва Ж. Шириновлар томонидан, умумҳуқуқий жиҳатлари хорижда эса А.Е. Бандорин ва бошқа муаллифлар томонидан ўрганилган.

МДҲда тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиниши ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий мақомининг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари А.С. Алексеев, А.И. Гурин, В.С. Дробязко, Л.Ч. Евгеньевна, М.С. Лаврентьева, А.В. Чуряев ва Е.В. Юрченко томонидан, конституциявий-ҳуқуқий жиҳатлари ва конституциявий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш асослари А.С. Бурданова, А.Л. Гусева, Ю.Ю. Илюхина, Г.Е. Лыкин ва Э.М. Сарбашевлар томонидан, хусусий-ҳуқуқий жиҳатлари Д.Н. Бандуров,

В.В. Богдан, А.И. Голубничий, Е.П. Губин, Ю.П. Каширина, М.М. Корчемный, В.А. Мамонтов, А.А. Спектор, О.В. Татарская, О.С. Троценко, И.В. Черняков ва С.Н. Шишкин сингари муаллифлар томонидан ўрганилган. Шунингдек, А.А. Грось, Г.Б. Зубовский, С.Р. Миникаев, С.В. Попова, М.С. Кораблевалар тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан ўрганишган.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари А.Э. Абдусаломовнинг «Тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари ва муаммолари» номли номзодлик ишида ўрганилган (2003), аммо тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари махсус комплекс тадқиқ этилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг илмий-тадқиқот режасига киритилган ва «Маъмурий жавобгарлик субъектлари институти ва уларни жавобгарликка тортишнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш» илмий-тадқиқот ишининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмининг самарадорлигини ошириш ва янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш усуллари ва шаклларини таҳлил қилиш;

тадбиркорлик фаолияти соҳасида бюрократик тўсиқларни вужудга келтирувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларни янада либераллаштиришни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш;

тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги коррупцион омилларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этишнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий юстиция тартибида ҳимоя қилиш асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлигини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ваколатли субъектларнинг бу борадаги фаолияти билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мавзуйига оид масалаларни тадқиқ этишда жамиятда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш, тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш, умумлаштириш, дедукция, тизимли ёндашув, қиёсий-ҳуқуқий, формал-юримдик таҳлил, социологик сўровлар ўтказиш, статистик маълумотларни ўрганиш каби методлардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгилаш асосланган;

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик соҳасидаги маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлигини янада либераллаштириш мақсадида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун башарти етказилган зарарнинг ўрни қоплаган ва бир ой ичида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда жавобгарликдан озод қилиш бўйича рағбатлантирувчи нормаларни киритиш асосланган;

тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги коррупцияга қарши курашишнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш мақсадида маъмурий бошқарув жараёнининг беғаразлиги кафолатларини яратиш, ушбу жараённинг шаффофлигини, ташқи ва ички назорат учун очиқлигини таъминлаш бўйича қоидаларни киритиш асосланган;

тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини янада кенгайтириш ва уларни амалга оширишнинг аниқ механизмларини белгилаш асослаб берилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва бюрократик тўсиқларни аниқлаш ҳамда уларни вужудга келтирувчи омилларни бартараф этишга хизмат қилади;

тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларни янада либераллаштиришга методологик жиҳатдан хизмат қилади;

тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги коррупцион омилларни бартараф этишнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштиришга хизмат қилади;

тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда қўлланган назарий ёндашув ва усуллар расмий манбалардан олингани; ўтказилган социологик сўровнома натижалари анкета шаклларига асослангани; хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилиб, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганида акс этади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, маъмурий, тадбиркорлик қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда маъмурий ҳуқуқ, тадбиркорлик ҳуқуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда ушбу фаолиятни янада либераллаштириш билан боғлиқ мавзуларда янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради. Шунингдек, «Маъмурий ҳуқуқ» ҳамда «Тадбиркорлик ҳуқуқи» фанлари бўйича маъруза ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, тадқиқот иши натижалари Қорақалпоқ давлат университети ҳамда ИИВ Академияси ўқув жараёнига татбиқ этилган (*Қорақалпоқ давлат университетининг 2017 йил 3 майдаги 3-сонли, ИИВ Академиясининг 2017 йил 9 июндаги далолатномалари*).

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Диссертация иши натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини комплекс маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-391-сонли қонунининг 7-моддаси 10-бандига биноан МЖтКнинг XVI<sup>1</sup> боби (Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик)ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2017 йил 24 февралдаги №06/1-05/301 вх-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф тадбиркорлик субъектларининг

ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг маъмурий-ҳуқуқий асосларининг янада такомиллашувига хизмат қилган;

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик соҳасидаги маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлигини либераллаштиришга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-418-сонли қонунининг 3-моддаси 2-бандига биноан МЖТКнинг 176-моддасини янги таҳрирда баён этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2017 йил 24 февралдаги №06/1-05/301 вх-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф тадбиркорлик субъектларининг маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлигини янада либераллаштиришга хизмат қилган;

«Коррупция» ва «Коррупцион ҳуқуқбузарлик» тушунчаларини ишлаб чиқиш ҳамда тадбиркорлик соҳасидаги рухсат бериш, келишиш, тадбиркорлик фаолиятини текшириш, уларга нисбатан таъсир чораларини қўллаш, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш каби масалалар барча учун исталган пайтда танишиб чиқиш имконини берадиган очиқ шаклда амалга оширилиши ҳамда тадбиркорлик соҳасидаги маъмурий тартиб-таомиллар шаффофлиги таъминланиши лозимлиги бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги ЎРҚ-418-сонли қонунининг 3-моддаси биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошилари ва 22-моддаси биринчи қисми биринчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2017 йил 24 февралдаги №06/1-05/301 вх-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги коррупцион омилларни бартараф этишнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатларини янада такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари «Законность и правопорядок в современном обществе» (Новосибирск, 2015), «Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш – қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг муҳим йўналиши» (Тошкент, 2015), «Жамоат хавфсизлигини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари» (Тошкент, 2015), «Тадбиркорлик қонунчилигини такомиллаштириш масалалари» (Тошкент, 2015), «Ҳуқуқшунослик истиқболлари» (Тошкент, 2015), «Низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари» (Тошкент, 2016), «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш» (Тошкент, 2016), «Коррупцияга қарши курашиш – жамият ва давлат

хавфсизлигининг гарови» (Тошкент, 2016), «Конституциявий ислохотлар – давлат бошқарувини такомиллаштиришнинг муҳим омили» (Тошкент, 2016), «Хуқуқшуносликнинг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2016), «Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш» (Тошкент, 2016), «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари» (Тошкент, 2016) мавзусидаги республика илмий-амалий семинарлари ва конференциялари, давра суҳбатларида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот натижалари бўйича 31 та мақола, жумладан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 17 та (шундан 2 таси хорижий журналларда) ҳамда турли тўпламлар таркибида 14 та илмий мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Илмий ишнинг ҳажми ва тузилиши унинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ ҳолда кириш, тўққиз параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 156 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Диссертациянинг кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларнинг натижаларини амалиётга жорий этилиш ҳолати, шунингдек, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизми»** деб номланган бўлиб, у уч параграфни ўз ичига олади. Ушбу бобда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларининг маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя объекти сифатидаги моҳияти, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш усуллари ва шакллари тадқиқ этилган.

Диссертант фикрича, тадбиркорлик субъектлари ўз ҳуқуқий мақоми ҳамда мулкӣ ҳолатига кўра доимий тарзда маъмурий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож бўлади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатлари маъмурий-ҳуқуқий ҳимоянинг объекти сифатида қуйидагиларда намоён бўлади: тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларининг маъмурий-ҳуқуқий кафолатларида; тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликнинг белгиланишида (адлия органлари томонидан 2015 йилда 280 нафар, 2016 йилда 686 нафар шахслар интизомий жавобгарликка тортилган); тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини бузганлик учун интизомий жавобгарликнинг белгиланишида (адлия органлари томонидан 2015 йилда 2 255 нафар, 2016 йилда 1 857 нафар шахслар интизомий жавобгарликка тортилган); ижроия ҳокимият томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятида.

Ишда амалдаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг хусусиятлари таҳлил қилинган ҳамда бу борада олимларнинг (М.Э. Абдусаломов, Ҳ.Р. Раҳмонқулов, Х.Т. Азизов, А.Р. Акчурина, С.Р. Миникаев, М.М. Корчемный, А.Я. Курбатов) фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, уларга нисбатан илмий мунозараларга киришилган ҳолда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш усуллари қуйидагиларга ажратилган: тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларига оид қонунчиликка риоя этилишини ўрганиб чиқиш; тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқиш; тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларига оид қонунчиликка риоя этилишини текшириш; тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларига оид қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш; тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига олиб келган ҳолатларни бартараф этиш, айбдор бўлган шахсларни жазолаш бўйича тақдимномалар ва таклифлар киритиш; тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари

бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш; тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини бузувчи қарорлар ҳамда ҳаракатларни тўхтатиб қўйиш; тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини бузувчи қарорларни бекор қилиш; текширишларни мувофиқлаштириш ва бошқ.

Диссертацияда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш усуллариининг қуйидаги функциялари мавжудлиги кўрсатиб берилган: олдини олиш функцияси; тиклаш функцияси; жазолаш функцияси.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш шакллари суд тартибида ҳимоя қилиш ҳамда суддан ташқари ҳимоя қилиш шакллари сифатида таҳлил қилинган.

Амалдаги қонун ҳужжатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг (О. Окюлов, Ф. Отахонов, М.Э. Абдусаломов, О.А. Абакумова, А.В. Любаненко ва А.А. Чукреев, Е.Б. Абакумова) фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилиш шакллари қуйидаги икки йўналишга ажратилган:

*биринчидан*, судлар қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри белгилаб қўйилган асосларга кўра ўзларининг юритувига оид бўлган масалаларни ҳал этиш доирасида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар (ФК 31, 32-м., ХПК 23-33-м., МЖТК 245, 245<sup>1</sup>, 245<sup>4</sup>-м.);

*иккинчидан*, судлар охириги чора сифатида (шунингдек, сўнгги инстанция сифатида) тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Амалдаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилий ўрганилиб тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларининг маъмурий тартибдаги ҳимояси иқтисодий судлар, умумий юрисдикция судлари, шунингдек Конституциявий суд томонидан амалга оширилишининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилди.

Ишда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини суддан ташқари ҳимоя қилиш кенг қўламли тизимга эгаллиги ва муҳим ўрин тутиши кўрсатиб ўтилган ҳамда бу борада қуйидаги субъектлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши таҳлил қилинган: махсус ваколатли органлар (адлия ва прокуратура органлари ҳамда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил); иқтисодий ва молиявий фаолиятни тартибга солишда махсус ваколатга эга органлар (иқтисодий ва молиявий фаолиятни тартибга солиш доирасида); ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини амалга ошириш доирасида); тадбиркорлик субъектларининг ўзлари томонидан мустақил тартибда; нодавлат ташкилотлари.

**Иккинчи боб «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва руҳсат бериш тартиботларини**

**либераллаштириш»** масалаларини тадқиқ этишга бағишланган. Мазкур бобда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва бюрократик тўсиқларни вужудга келтирувчи омиллар ва уларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларни янада либераллаштириш ҳамда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги коррупцион омилларни бартараф этишнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар илгари сурилган.

Ушбу бобда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари асосан маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида бузилаётганлиги ва бунинг сабаби тадбиркорлик субъектларининг давлатга маъмурий-ҳуқуқий қарамлигининг юқори даражада сақланиб қолаётганлиги, тадбиркорлик субъектларининг асосий ҳуқуқ ва манфаатларининг маъмурий-ҳуқуқий майдонда амалга оширилиши, иқтисодиётда ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги ҳамда ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятига бошқарувнинг янги ва самарали тизимини жорий этишни тақозо этувчи муаммо ва камчиликлар ҳисобланиши қайд этилган. Шу сабабли, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш асосларини такомиллаштиришда биринчи галда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва рухсат бериш тартиботларини либераллаштириш лозимлиги асосланган.

Тадқиқотда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва бюрократик тўсиқларнинг салбий жиҳатлари сифатида уларнинг бозор иқтисодиёти соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигига салбий таъсир этиши, иқтисодий йўқотишларга сабаб бўлиши, коррупцион омилларни вужудга келтириши, яширин иқтисодий фаолиятнинг вужудга келишига сабаб бўлиши асосланган.

Муаллиф томонидан сўнгги йилларда қабул қилинган тадбиркорлик соҳасига оид қонун ҳужжатларида «ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар» ва «ортиқча маъмурий чекловлар» ҳамда «бюрократик тўсиқ» тушунчалари ишлатилган бўлса-да, маъмурий тартиботларни «ортиқча» ёки «бюрократик» деб баҳолаш мезонлари норматив жиҳатдан ҳам, назарий ва услубий жиҳатдан ҳам аниқлаштирилмаганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларни «ортиқча» деб баҳолаш мезонлари сифатида қуйидагилар асослаб берилган:

*биринчидан*, давлатнинг иқтисодий ва маъмурий сиёсати мақсадларига номувофиқлиги;

*иккинчидан*, тегишли таққ, тартибот ҳамда чекловни жорий этиш мақсадига уларсиз ҳам эришиш мумкинлиги;

*учинчидан*, ушбу тартиб-таомилларни жорий этишни тегишли қонун нормалари ўзининг юридик хусусиятига кўра талаб қилмаса-да, ушбу қонуннинг ижросига оид қонун ости ҳужжатлари билан жорий этилганлиги.

Диссертант томонидан **тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар** деганда, давлатнинг иқтисодий ва маъмурий-ҳуқуқий сиёсати мақсадларига мос бўлмай қолган, ўзининг жорий этилиши

мақсадларидан узилган, аслида кераксиз ҳамда қонундан ташқарида ёки қонунга зид равишда жорий этилган, шунингдек бошқарувнинг замонавий демократик шарт-шароитларига тўғри келмайдиган маъмурий тартиб-таомилларни тушуниш лозим, деган таъриф илгари сурилган.

Шунингдек, тадқиқот ишида тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этишда уларни вужудга келтирувчи омилларни аниқлаш ҳал қилувчи роль ўйнайди деган хулоса асосланган ва тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва бюрократик тўсиқларни вужудга келтирувчи омиллар қуйидаги гуруҳларга таснифланган: *биринчидан*, тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари ўртасидаги нотенг маъмурий-бўйсунув муносабатлар доирасининг кенглиги. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўровларда иштирок этган респондентлар ҳам асосан маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида (*кредит олиш ва бошқа банк хизматларида (39,62 %), лицензия ва бошқа рухсатномалар олишда (34,2 %), давлат рўйхатидан ўтишда (7,4 %), ҳисоботлар топширишда (5,7 %)*) сарсонгарчиликлар ва маъмурий бюрократик тўсиқларга дуч келганлигини маълум қилишган; *иккинчидан*, тадбиркорлик соҳасида давлат бошқарувини амалга оширишда идоравий манфаатлар устуворлиги; *учинчидан*, норматив-ҳуқуқий омиллар; *тўртинчидан*, коррупцион субъектив омиллар; *бешинчидан*, бошқарувни ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ омиллар; *олтинчидан*, маъмурий рухсатни олиш ёки маъмурий тартиботларни адо этиш алгоритмининг узунлиги.

Муаллиф, пировард натижада, тадбиркорлик фаолияти соҳасида амалда бўлган маъмурий тартиб-таомилларни қатъий инвентаризациядан ўтказиш орқали уларни ортиқча деб баҳолаш мезонлари бўйича саралаш ва шу билан бирга, янги маъмурий тартиб-таомилларни жорий этишда, аввало, бу борадаги муносабатларни ўзгартиришимиз лозим, иқтисодиётни инқилобий ва шу билан бирга, оқилона эркинлаштириш бўйича дадил қадам ташлаш зарур деган хулосага келган.

Тадқиқотда тадбиркорлик фаолияти ҳамон маъмурий тартиб-таомиллар қуршовида қолиб кетаётганлиги, тадбиркорлик фаолияти соҳасида амалда бўлган маъмурий тартиб-таомиллар ўз хусусиятига кўра иқтисодиётни тартибга солишдан кўра, уни маъмурий йўл билан «ушлаб туришга», бозор муносабатларини янада либераллаштиришга, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожига тўсқинлик қилишга кўпроқ хизмат қилаётгани, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги маъмурий тартиб-таомиллар асосан «ортиқча хавфсираш» натижасида жорий этилганлиги қайд этилган.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги кўплаб маъмурий тартиб-таомиллар шунчаки иқтисодий йўқотишларга сабаб бўлаётганлиги ёки уларга амал қилишнинг реал жисмоний имкони йўқлиги давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари учун тадбиркорлик субъектларини исталган вақтда «синдириш» имконини бераётганлиги, натижада тадбиркорлик субъектларининг давлат органларига маъмурий ва коррупцион қарамлиги сақланиб қолаётганлигини асосланган.

Бу ўринда Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «... тадбиркорларнинг кўпчилиги ҳақиқий фуқаролик позициясида туриб, етим болалар ва ночор оилаларга, маҳаллалар ва ижтимоий соҳа муассасаларига беғараз ёрдам бермоқда.

Бунинг эвазига улар нима оляпти? Биринчиси – фақат кўрқув, яна текширишни ва сиқувга олишни бошлашади, эркин меҳнат қилишга, оиламни, бола-чақамни боқишга яна имконият бермайди, деган кўрқув. Шу сабабли улар ўз ишида камчилиги ва қонунбузарлик ҳолати бўлмаса ҳам турли даражадаги амалдорлар билан «келишиб олишга» мажбур бўлмоқда»<sup>1</sup>, деган фикрини келтириб ўтиш жоиз.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қуйидаги нормалар ҳамда қоидаларни бекор қилиш лозимлиги илгари сурилган: бажаришнинг реал имкони бўлмаган ёки бажарилмаслиги салбий оқибатлар келтириб чиқармайдиган мажбуриятларни ифодаловчи; аслида зарур бўлмаган ёки бажарилиши ортиқча харажатларга сабаб бўладиган мажбуриятларни ифодаловчи; умумий мазмунга эга ёки кенг талқин қилиш мумкин бўлган мажбуриятларни ифодаловчи; коррупцион тусдаги ҳамда идоравий манфаатларни ифодаловчи.

Муаллиф амалга оширилиши учун лицензия талаб этиладиган фаолият турларининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши лозимлиги ҳамда бугунги кунда лицензия ва рухсат бериш тартиботларини қуйидаги йўналишлар бўйича янада либераллаштириш имкониятлари мавжудлигини асослайди:

*биринчидан*, лицензия ва рухсат бериш соҳасидаги муддатлар бўйича;  
*иккинчидан*, лицензия ва рухсат бериш соҳасидаги шартлар ва талаблар бўйича;

*учинчидан*, лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун тақдим этиладиган зарур ҳужжатлар бўйича;

*тўртинчидан*, лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришни рад этиш асослари бўйича;

*бешинчидан*, лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш асослари бўйича;

*олтинчидан*, назорат қилиш бўйича.

Тадқиқотчи бир қатор муаллифларнинг (О. Оқюлов, Ш. Саидов, Ш.Р. Қобилов, А.А. Аманов, М.Ш. Шедий, В.Г. Попов, В.Н. Умниковлар, Р. Клитгаард, К.И. Головшинский А.В. Воҳобов) фикр ва мулоҳазаларини таҳлил қилган ҳолда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги коррупцион омилларни вужудга келтирувчи асосий сабаблар сифатида тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги маъмурий рухсат бериш ва келишиш тартиботларининг

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. <http://www.press-service.uz>.

кўплиги, уларнинг идоравий манфаатлар билан уйғунлиги, шунингдек қонун ости ҳужжатларида коррупциоген нормаларнинг сақланиб қолинаётганлиги ва тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги давлатнинг императив таъсири коррупциянинг вужудга келиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилаётганлиги тўғрисидаги хулосага келинган. Тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўровларда иштирок этган респондентлар ҳам асосан маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида (*кредит олиш ва бошқа банк хизматларида (35,46 %), лицензия ва бошқа рухсатномалар олишда (25,6 %), текширишларда (12,8 %), ҳисоботлар топширишда (11,2 %), давлат рўйхатидан ўтишда (7,2 %)*) коррупцион омиллар мавжудлигини маълум қилишган.

Тадқиқотда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги коррупцион омилларни бартараф этишда:

*биринчидан*, тадбиркорлик субъектларининг давлатга маъмурий-ҳуқуқий қарамлигини камайтириш;

*иккинчидан*, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

*учинчидан*, тадбиркорлик субъекти ва давлат ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ шаффофлаштириш;

*тўртинчидан*, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш амалиётини такомиллаштириш;

*бешинчидан*, тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган оммавий-ҳуқуқий таъсир чоралари ва уларни қўллаш асослари ҳамда тартибларини аниқ ва қонун даражасида белгилаб қўйиш лозимлиги асослаб берилди.

Тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган барча давлат хизматлари қуйидаги жадвал асосида ягона рўйхатга келтирилиши лозимлиги таклиф этилган:

Т/р	Бериладиган ҳужжатнинг номи, кўрсатиладиган хизмат тури	Бажариладиган ва (ёки) амалга ошириладиган фаолият	Тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришга, хизмат кўрсатишга ваколатли орган	Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш, хизмат кўрсатиш муддати
-----	---	--	---	---

Давлат органларининг веб-сайтларида тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари ва уларни ҳал этиш жараёни ҳақидаги маълумотлар қуйидаги жадвал асосида акс эттириб борилиши лозимлиги таклиф этилган:

Т/р	Мурожаат қилган шахс	Мурожаат мазмуни	Мурожаатнинг қабул қилинган вақти ва санаси	Мурожаатни кўриб чиқаётган масъул ходим ва у билан боғланиш йўли	Мурожаатни кўриб чиқиш жараёни ва натижаси бўйича маълумотлар
-----	----------------------	------------------	---	--	---

Учинчи боб «Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш асосларини такомиллаштириш масалалари»га бағишланган.

Мазкур бобда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик, шунингдек тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий юстиция тартибида ҳимоя қилиш асосларини ҳамда тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлигини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик асосларини такомиллаштириш юзасидан қуйидагилар таклиф этилган:

*биринчидан*, МЖТКнинг XVI<sup>1</sup> бобини кодекснинг тегишли нормалари ва бошқа тегишли қонун ҳужжатлари билан мувофиқлаштириш. Бунда МЖТКнинг 2-моддасини «тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари» деган жумла билан тўлдириш ҳамда Президент ҳужжатлари ва ҳукумат қарорларида белгиланган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ноқонуний текширганлик учун назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари масъуллигини ошириш ва жавобгарлигини белгилашни назарда тутувчи нормалар ва қоидалардан келиб чиқиб МЖТКнинг 241<sup>2</sup>-моддасини *назорат қилувчи орган раҳбарининг қўл остидаги ходимларининг маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган текширишлар тартибининг бузиши ва ноқонуний текширишлар ўтказишига йўл қўйганлиги* учун жавобгарликни назарда тутувчи норма билан тўлдириш ҳамда МЖТКнинг 241<sup>1</sup>, 241<sup>4</sup>, 241<sup>5</sup>, 241<sup>6</sup>, 241<sup>7</sup>, 241<sup>8</sup>, 241<sup>9</sup>, 241<sup>11</sup>-моддаларида мансабдор шахслар билан бирга хизматчиларнинг ҳам маъмурий жавобгарлиги белгиланган бўлсада, кодексда «хизматчилар» тушунчасининг таърифи мавжуд эмаслиги сабабли унинг 15-моддасини хизматчининг ҳуқуқий таърифини назарда тутувчи «*Давлат органлари ва ташкилотлари, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчиси ўз хизмат мавқеига кўра мансабдор шахс ва ҳокимият вакили аломатларига ҳамда ваколатларига эга бўлмаган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахслар ҳисобланади*» деган учинчи қисм билан тўлдириш таклифи асослаб берилган;

*иккинчидан*, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик субъектлари доирасини кенгайтириш. Бунда МЖТКнинг 16-моддасида кўрсатилган махсус жавобгарлик субъектлари учун ҳам кодекснинг XVI<sup>1</sup> бобида белгиланган ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда умумий асосларга кўра маъмурий жавобгарлик белгилаш ҳамда

тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини бузганлик учун юридик шахсларнинг ҳам маъмурий жавобгарлигини белгилаш таклиф этилди;

*учинчидан*, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларига қарши содир этиладиган, аммо жавобгарлик доирасидан четда қолаётган қилмишлар учун маъмурий жавобгарлик белгилаш. Бунда МЖТКни қуйидаги мазмундаги янги модда билан тўлдириш орқали тадбиркорлик субъектларини ғайриқонуний равишда маъмурий жавобгарликка тортиш ёки бундай жавобгарликка тортишни сўраб ваколатли орган (мансабдор шахс)га тақдимнома киритганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш назарда тутилган:

*«241<sup>12</sup>-модда. Тадбиркорлик субъектларини ғайриқонуний равишда маъмурий жавобгарликка тортиш ёки бундай жавобгарликка тортишни сўраб ваколатли орган (мансабдор шахс)га тақдимнома киритиш*

*Тадбиркорлик субъектларининг айбсизлигини била туриб уларни маъмурий жавобгарликка тортиш ёки бундай жавобгарликка тортишни сўраб ваколатли орган (мансабдор шахс)га тақдимнома киритиш, агарда жиноий жавобгарлик аломатлари бўлмаса-*

*... билан жазоланади».*

Амалда мазкур ҳолат учун ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан тақдимнома киритилсагина, айбдор шахс идоравий тартибда интизомий жавобгарликка тортилади (2015 йилнинг биринчи ярми мобайнида тадбиркорлик субъектларини ноқонуний маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича 8742 та ҳолат аниқланган).

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқиш тартибини бузганлик, тадбиркорлик фаолиятини тугатиш тартиби ва муддатларига амал қилмаганлик учун МЖТКнинг XVI<sup>1</sup> бобида маъмурий жавобгарлик белгилаш асосланган;

*тўртинчидан*, тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралаштириш ва тўсқинлик қилиш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ маъмурий-ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштириш. Бунда МЖТКнинг 38-моддасини «*тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжсалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар натижасида тадбиркорлик субъектларига етказилган зарар ҳамда бой берилган фойда суд қарори асосида бевосита айбдор бўлган шахс ёки у хизмат фаолиятини олиб борадиган давлат органи томонидан қопланади*» деган учинчи қисм билан тўлдириш таклифи асосланган;

*бешинчидан*, маъмурий жавобгарлик нормаларининг самарали ва мақсадга мувофиқ тарзда таъсир этишида кўп жиҳатдан тегишли моддаларда ҳуқуқбузарлик учун оғирлаштирувчи таркибнинг мавжуд бўлиши талаб этилишини назарда тутган ҳолда қуйидаги ҳолатлар учун оғирлаштирувчи таркибда маъмурий жавобгарлик белгилаш лозимлиги таклиф этилган: тадбиркорлик субъектининг қаршилигига қарамасдан, ноқонуний текширув ўтказганлик учун; ваколатли орган ва мансабдор шахсларнинг

ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиришига қарамасдан хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти асосларига қарши ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун; ваколатли бўлмаган шахс томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилганлик учун; қонуний асослар бўлмасдан туриб, лицензиянинг (ёки / ва рухсат этиш хусусиятга эга ҳужжатнинг) амал қилишини тўхтатиб турганлик, тугатганлик ёки бекор қилганлик учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти жорий этилганлиги муносабати билан ҳамда бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини қайта кўриб чиқиш, бунда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини процессуал жиҳатдан ҳимоя қилиш ва унда иштирок этиш бўйича прокуратура органларининг ролини ошириш ҳамда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ваколатини прокуратура органлари ихтиёрига ўтказиш асосланган.

Тадқиқотда айрим хорижий мамлакатлар (Швейцария, Дания, Норвегия, Франция, Янги Зеландия, Россия) тажрибаси асосида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, бу борада давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил координатор бўлиши лозимлиги, ушбу вакил ҳузурида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоларини ўрганувчи, етакчи олимлар ва амалиётчи ходимлардан жамоатчилик асосида шакллантирилган илмий-маслаҳат кенгашини ташкил этиш ҳамда Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг ҳудудий вакилларини жорий этиш таклифи илгари сурилган.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни самаралари ташкил этиш, бу борада давлат органларининг ваколатларини тўлиқ сафарбар этиш ва уларнинг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида «Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарурлиги асослантилган.

Тадқиқотчи тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш асосларини такомиллаштиришда тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлиги асосларини қайта кўриб чиқиш ва қонун даражасида (МЖТҚда) белгилаш лозим, деб ҳисоблайди.

Муаллифнинг фикрича, тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланадиган ҳуқуқий таъсир чоралари турли қонун ҳужжатларида белгиланганлиги, уларнинг ягона рўйхати (жазо тизими)нинг мавжуд эмаслиги, ҳуқуқий таъсир чоралари тушунчасининг қонун ҳужжатларида тўлиқ очиб берилмаганлиги ҳамда қўллаш миқдори ва асослари аниқ белгиланмаганлиги тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир

чораларини қўллашда қонунийлик ва одиллик принципининг бузилишига олиб келмоқда. Бу борада баъзи ҳамдўстлик мамлакатларининг Маъмурий жавобгарлик (хуқуқбузарлик) тўғрисидаги кодексларида (Беларусь Республикаси (4.8-м.), Қирғизистон Республикаси (23-м.), Қозоғистон Республикаси (34-м.), Молдова Республикаси (17-м.), Туркманистон (32-м.), Тожикистон Республикаси (29-м.)) тадбиркорлик субъектлари ва юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгилаб қўйилган.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий жавобгарлигининг қонун даражасида (кодексида) белгиланиши уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳамда кафолатлаш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

## ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга доир тавсиялар илгари сурилади.

### I. Умумназарий хулосалар

1. Қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

*тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш* – маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган махсус ҳуқуқий механизм;

